

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ОИЛАВИЙ ТАДБИРҚОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-  
ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бандлиги ва даромад манбаларини оширишга доир меҳнат фаолиятини қўллаб-қувватлаш чораларини янада кенгайтириш мақсадида:

1. 2023 йилда Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари (кейинги ўринда — Дастурлар) доирасида лойиҳаларни молиялаштириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан «Агробанк» АТБ, «Микрокредитбанк» АТБ ва АТ Халқ банкига алоҳида тасдиқланадиган тақсимотга асосан 300 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар 3 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга 10 фоиз ставкада ажратилсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда 2023 йилда Дастурлар доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарор лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 25 январь,  
ПҚ-18-сон

*(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.01.2023 й., 07/23/18/0054-сон)*